


**ЖАДИДЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАГАН МАЪРИФАТПАРВАР
ЖАДИДЧИ САИДНОСИР МИРЖАЛИЛОВ (1884-1937 ЙИЛ)**

Махмудов Розмет Муратович

*Ўзбекистон Республикаси Жамоат
хавфсизлиги университети профессори,
педагогика фанлари доктори, профессор*

Хайдаров Ислом Оллоқулович

*Ўзбекистон Республикаси Жамоат
хавфсизлиги университети профессори,
психология фанлари номзоди, доценти*



Сайдносир Миржалилов ўзбек халқ ёзувчиси Академик Муса Ташмуҳаммад ўғли Ойбекнинг қайнатаси бўлган.

Сайдносир Миржалилов Туркистонда 1884-йилда туғулиб 1924- йилгача яшаган, кейин Тошкентга кўчиб келган.

“Сайдносир Миржалил ўғли Ўзбекистондаги жадидчилик ҳаракатининг кўзга кўринган намаёндаларидан бири, бўлиб Туркистон мухториятининг аъзоси Мунаввар Кори, Убайдулла Хўжаев, Чўлпон сингари истиқлол учун курашган улуғ юртдошларимизнинг сафдоши бўлган. Шу туфайли у мустабид тузумнинг дастлабки курбонларидан бири бўлди”

Сайдносир Миржалил ўғли Туркистоннинг Иққон шаҳрида яшаган вақтида ўзига тўқ, моддий жиҳатдан ўзи яхши таниган жадидчиларни қўллаб-қувватлаб турган. Рус маърифатпарварларини Туркистонга чақириб рус тилида дарс бердирган, Сайдносир Миржалиловларнинг ташқари ҳовлисида бир рус оиласи яшаган деб эслайди Сайдносирбойнинг қизи, Ойбекнинг аёли Зарифа Сайдносирова Сайдносирбой рус оиласидан Русча ўқиш-ёзишни ўрганган, унинг уйида яшаган рус кишининг қўлидан газета ва китоблар тушмас экан. Сайдносир К.Маркснинг “Капилан” асарини мутолаа қилган ва ўрганган экан.

Сайдносир Миржалиловнинг уйида кўп китоблар бўлган, жумладан Кремелда, Қозонда, Оренбургда, ва Бокуда нашр қилинган газета журнallар олиб келиб ўқиб турилар эди. Сайдносир Миржалилов зехни ўткир жуда саводли жадидчи бўлган, уйда гап-гаштак мусаллас, бўза, чоғир ичиш, карта ё қимор ўйнашга ўхшаш, хунук одатларга мойил бўлмаган.

1914-йилда Сайдносир Миржалилов 30 ёнда бўлиб у ўқимишли зиёли эди. У русчани билган уйини деворига тақаб янги мактаб қурдирган ва бу мактабда

та’лимни ташкил этиш учун Оренбургдан Шокиржон Иброхимов деган татар муаллимини оиласи билан кўчириб олиб келган, аслида Шокиржон машхур татар адаби Олимжон Иброхимовнинг биродари бўлган. Мактабда узун-узун парталар қўйилган бўлган. Мактабда она-тили, ҳисоб, жўғрофия, тарих дарслари, ўқитилган. Дарслклар Оренбург ва Қозондан келтирилар экан. Туркистондан чиқкан барча зиёлилар ўша мактабда тахсил олиб тутатган.

С.Миржалилов Москва, ,Тошкент, Қўқонга кўп қатнаб турган ва 1917-йилнинг куз ойларида Сайдносирнинг уйига Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий келади, ўша йиллари Ҳ.Ҳакимзода Қўқондан кимлардандир қочиб келган бўлади. С.Миржалилов нафақат илғор зиёлилар маърифатпарвар жадидларнигина эмас балки азбаройи адабиётни севганидан Ҳамза билан ҳам яқин дўст бўлган, Ҳамза Туркистонда маълум бир вақт хуфиёна яшаб юради, Сайдносир Миржалилов бу билан Ҳамзани реаксион кучлардан сақлаб қолган.

Ҳамза Ҳакимзода баланд бўйли ингичка қоматли, рангдор йигит бўлган, ички дунёси кенг, рухи нозик, ақлли унда ҳар бир кимсани ўзига тортадиган жихатлари бўлган.

Туркистонда яшаб юрган вақтларида Ҳамза Ҳакимзода ма’рифатпарвар шоир, фаол жадидчи сифатида ижод билан ҳам шуғулланган, унинг бир қанча шеърлари бўлган, лекин биз Тошкентга кўчиб келган вақтларимизда у ёзган шеърлар йўқолиб кетган деб ёзди Зарифа Сайдносирова.

Зарифа Сайдносирова, лекин шунга қарамасдан мени хотирамда унинг қўйидаги шеъри сақланиб қолган деб эслайди ва ушбу шеърни Ҳамза акага бағишилаб ёзди.

Мактаб-бизнинг жойимиз,

Олтин-кумуш сойимиз

Агар илм ўқисак-

Бутун дунё-ойимиз.

Инқилобдан кейин Сайдносир Миржалилов ҳам жадидчи сифатида кувғунга учрайди ва бир кечада Тошкентга кейин Қўқонга қочиб кетиб қолади ва яшириниб юради.

Истамбулда таҳсил кўрган Шоҳид Эсон Сайдносирнинг яқин дўсти бўлиб, кечқурунлари рус мактабида ўқитган болаларни ва қизларни кейинчалик бу мактаб Пистолоцин мактаби деб номлана бошлаган.

1924 йилнинг кузидан бошлаб жадидчи Эсон афанди мантиқдан, Иброхим афанди эса ижтимоятдан дарс берганлар. Эсон афанди билан Иброхим афанди туркиядан маърифатни тарғиб қилиш учун келишган бўлган. Шоир Элбекнинг хотини Муборакхон ҳам баланд бўйли, сочини елкадан кесган, пионинани гўзал чаладиган, чиройли хотин бўлган. У ҳам ўз даврининг маърифатпарвар ва фаол жадидчиларидан бўлган.

Ўша йилларда Тошкентлик машҳур жадидлардан бири Мунаввар Қори Сайдносир Миржалилов билан қалин дўст бўлган ва у Сайдносирнинг олдига тез-тез кириб турган. Ақлли, маърифатпарвар бу сиймо ўзбек зиёлиларининг сўюкли раҳбари бўлгани учун унинг шарафига қўшиқлар тўкишган ва куйланган, ундан ташқари фаол жадидчи Чўлпон ҳам Сайдносирнинг тез-тез меҳмони бўлиб турган. Бир куни Чўлпон билан қизик сухбат орасида Сайдносир Чўлпонга “Гўзал Фарғона” шеърини ёзиб қўйган советлар давридаги бир санани айтади, шеър суратни орқасига ёзилган бўлган Сайдносир суратни токчадан олиб, Чўлпонга кўрсатади, шунда қўрқиб кетган Чўлпон йили ундей эмас, бундай деб инқилобдан олдинги санани айтади, чунки ўша пайтда хадик ҳар бир жадидчиларда бор эди.

Ушбу сухбатдан сўнг Чўлпонни дарров илхоми келади ва ушбу шеърни ёзиб Сайдносир Миржалиловнинг қизи Зарифа Сайдносировага беради.

Азиз синглим, менинг кўнглим тентакдир.

Шунинг учун умрим бутун эртакдир.

Эртак эмас, бир ярамас ҳаёл, денг.

Маним учун, таним учун малол, денг.

Ҳаёл эмас, малол эмас, бу бир туш.

Ҳар нафасни, шу бир пасни унудишиш

Унумасам, йўқ этарди ўзимни

Ҳеч билмаймен ўзим айтган сўзимни.

Чўлпоннинг ушуб шеъри ҳеч бир архивда йўқ, фақат шеърни Ойбекнинг аёли Зарифа Сайдносированинг шахсий архивида сақланмоқда.

Жадидчи Сайдносир Миржалилов, катта маърифатпарвар Чўлпонни сухбатидан сўнг уйни ичкарисига таклиф қиласди, уйга қалин ўрин солдириб бўлгандан сўнг Чўлпонга Зарифа Сайдносированинг Туркистонда юрганида, яшаганида чизган Ахмад Яссавийнинг мақбарасини расмини кўрсатади, шунда Абдулхамид Чўлпон, жудда гўзал ишланган бу қизни Германияга ўқишига юбормоқ лозим дейди. Менинг ҳам шундай орзуим бор деб кулиб қўйди Сайдносир Миржалилов.

1926 йилининг кўкламида Сайдносирни ҳибсга олишади Туркистонга қочиб кетаётганда поезда ушланади ва Тошкентга олиб келишади.

Маърифатпарвар жадидларни қўллаб-қувватлаб моддий ёрдам бериб юрган, моддий жиҳатдан баъзи бир жадидларни қўллаб-қувватлаб юрган шахс бу Сайдносирбой Миржалилов бўлган.

Мухтория ҳукумати большевиклар томонидан ағдариб ташлангач, С.Миржалилов аввал Самара ва Тифлисга боради, сўнгра бир муддат Туркияда яшайди. У 1921 йилда Тошкентга қайтиб, “Туркистон” савдо—саноат ширкатини ташкил қилиб, ундан тушган даромад ҳисобига “Миллий иттиҳод”

ташкилотини қўллаб—қўвватлаган ҳамда Германияга ўқишига юборилган айрим талабаларни нафақа билан таъминлаган ва уларга моддий ёрдам кўрсатган. У “Нашри маориф” маърифий ташкилоти ва “Кўмак” жамиятининг асосчиларидан бири (1923 – 1925).

Афсуски, Сайдносирбойнинг охирги тақдири ҳақида икки хил маълумот бўлиб, бринчисида Миржалилов С. бошқа жадидчилар каби қамоққа олиниб сибир ўрмонларини қирқишига сургун қилинган, унинг хоки Россиянинг сибир ўлкаларида қолиб кетган. Уч йил сибирга сургун қилингандан кейинги тақдири номаълум. Охир оқибатда 1937-йилда вафот этган деб ёзилган.

Иккинчи маълумот у совет режими томонидан бир неча марта (1925, 1932, 1937) қамоққа олинган. Соловецк оролидаги қамоқхонага ташланган (1925 – 1928). С. Миржалилов 1937 йил 21 июлда Тошкентда охирги марта қамоққа олиниб, 1937 йил 9 октябрда отиб ташланган. Ўлимидан сўнг оқланган.

Сайдносирбой Миржалилов ҳам бошқа жадидчилар каби тарихчиларнинг ўрганиш, таҳлил қилиш, обьектига айланиши лозим.

Янги – янги номлари топилаётган жадидларнинг рўйхатида Сайдносирбой Миржалиловнинг номлари бўлиши ҳақли деб ҳисоблаймиз.

АДАБИЁТЛАР

1. Сайдносирова. Ойбегим менинг. Шарқ. Тошкент 1994. бет 4.
2. Сайдносирова, Ойбегим менинг Шарқ Тошкент. 1994. Бет 39.
3. [Ражабов Қ.] Миржалилов Сайдносир //Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т. 5. –Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2003. –Б. 692.
4. [Ражабов Қ.] Носирхон Тўра Сайд Камолхон тўра ўғли //Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т. 6. –Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2003. –Б. 401. Шамсутдинов
- 5 Қаҳрамон Ражабов “Ўзбек миллий давлатчилиги тарихида Туркистон Мухториятининг ўрни ва роли” мавзуидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари, 2017 йил 12 октябрь
6. Ражабов Қ. Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракати: моҳияти ва асосий ривожланиш босқичлари (1918 – 1924 йиллар). –Б. 47 – 49.